

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШДИ

2021 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низомхўжаев очди. У 24 октябрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови демократик таъминловчи асосида, фаол сиёсий раёблат муҳитида ўтганини таъкидлади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг 80,12 фоиз овози билан Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси иштирокчилар номидан Шавкат Мирзиёевни табриклади ва унга Ўзбекистон Республикаси Президентини гувоҳномасини топширди.

Президент Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ, қасамёд қилди: “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республика-

нинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президентини зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан”, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида нутқ сўзлади.

— Халқимиз талабларини инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик ва сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик, — деди давлат раҳбари. — Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Қайд этилганидек, ушбу тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат.

► Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ
АСОСИДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИНИ
ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли Сенат аъзолари!
Ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари!

Хорижий дипломатик корпус вакиллари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, менга улкан ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб қайта сайлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этиб, меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан.

Сиз, азизларга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга тинчлик ва саломатлик, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жонажон Ватанимиз тимсоли ва мушаккилликнинг рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.

Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайланишимни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

Муҳтарам тантанали мажлис иштирокчилари!
Бўлиб ўтган сайловларда кўп миллатли халқимиз фаол иштирок этиб, ўзининг эркин хоҳиш-иродасини, юксак ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини яққол намойён этди.

Халқимиз билан биргаликда танлаган ва амалга ошираётган ривожланиш йўлимиз нақадар тўғрилигини сайлов натижалари яна бир бор тасдиқлади. Бу эса барчамизга янги куч, баланд руҳ ва ишонч бағишлайди.

Сайловнинг эркин ва демократик, очик ва ошкора, соғлом раёблат ва сиёсий кураш муҳитида ўтганини халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳам эътироф этдилар.

Президент сайловида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти

ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узоқ муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнини бевосита кузатиб борди. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ҳамда Парламент Ассамблеяси қаторида биринчи марта Европа парламентидан ҳам кузатувчилар иштирок этди.

Умуман, сайловда 18 та халқаро ташкилот ва 45 та хорижий давлатнинг минга яқин вакиллари халқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1 минг 700 га яқин маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнини бевосита ёритиб борди. Уларнинг барчаси, сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро тамойиллар асосида, юқори савияда ўтганини алоҳида қайд этдилар.

Азиз юртдошлар!
Сайловда менга билдирилган ишонч — юксак шараф, муқаддас бурч эканини, айни вақтда бу ишонч зиммамга қандай улкан масъулият ва жавобгарлик юклашини ҳам чуқур ҳис этиб турибман.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампаниясида қўллаб-қувватлаган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фаоллари, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга ташаккур айтаман.

Сайловда фаол иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — Мақсуда Ворисовага, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — Алишер Қодировга, Ўзбекистон Экологик партиясидан — Нарзулло Обломуродовга, “Адолат” социал-демократик партиясидан — Баҳром Абдуҳалимовга алоҳида миннатдорлик билдираман. Уларга келгуси ишларида омадлар тилайман.

Биз сайлов жараёнида ўзаро раёблат қилган бўлсак, энди барча

орзу-интилиш ва ҳаракатларимизни бирлаштириб, сиёсий партиялар билан фаол ҳамкорлик қиламиз. Уларнинг сайловолди дастурларидаги муҳим амалий ғоя ва тақлифлар келгуси фаолиятимизда эътиборимиздан четда қолмайди.

Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улғў мақсадимиз — Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз.

Бугун шу юксак минбарда туриб, барча ҳудудларимиз — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисига;

юртимизда тинчлик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маҳалла фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва дин арбобларига;

эзгу дуолари, ҳаётини маслаҳатлари билан бизнинг ишимизга унум ва барака бераётган муътабар фахрийларимизга;

жамиятимиз ҳаётида бекиёс ўринга эга бўлган муҳтарам аёлларимизга; эл-юртимиз соғлиғини асрашдек олижаноб мақсад йўлида ўзини аямасдан, мардона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига;

Жалолитдин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзо каби улғў аждодларимиз анъаналарини муносиб давом эттираётган мард ва жасур ҳарбий хизматчиларимизга; жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга;

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, хорижий мамлакатлардаги дип-

ломатик ваколатхоналаримиз ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ходимларига;

сайлов жараёнини кенг ва холис ёритган оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ва блогерларга чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Ёш авлодимизга — менинг ўғил-қизларимга қарата айтмоқчиман: томирларида буюк боболаримизнинг ғайрат-шижоати жўш уриб турган азиз фарзандларим, сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишда доимо олдинчи сафда бўласизлар, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланишим муносабати билан самимий табрикларини йўллаган мамлакатимизнинг барча фуқароларига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур эътиромимни изҳор қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловда иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга ўз номидан, халқимиз номидан ташаккур айтаман.

Ҳурматли тантанали маросим қатнашчилари!

Бугунги тантанали маросим пойтахтимиз марказида барпо этилган, барча замонавий шароитларга эга бўлган муҳташам Сенат биносига ўтаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор, албатта.

Бу қўтлуғ маскан мамлакатимиз раёблат йўлида муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинадиган нуфузли даргоҳга, замонавий миллий давлатчилигимиз кўзгуси ва демократия мактабига айланади, деб ишонаман.

Янги Ўзбекистон тимсолларидан бири бўлган Сенат биноси ҳаммамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил олдин халқимиз билан бамаслаҳат Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилган эдик. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

► Давоми 2-бетда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига қайта сайлангани муносабати билан унинг номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентини
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига иккинчи муддатга қайта сайланганингиз билан чин дилдан қутлашга икхозат бергайсиз.

Сиз билан, шу жумладан, БМТнинг мамлакатингиздаги жамоаси ҳамда Марказий Осиё учун превентив дипломатия минтақавий маркази орқали бизларни қизиқтирган масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилишимиздан умидворман.

БМТ глобал хатарларни биргаликда

бартараф этишда, шу жумладан, халқаро тинчлик ва хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва барқарор тараққиёт масалаларида Ўзбекистоннинг қўламини ва қатъий интилишига таянишда давом этади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эътиромимни қабул қилгайсиз.

Антониу Гутерриш,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош котиби



Ўзбекистон Республикаси Президентини
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси халқининг фаол қўллаб-қувватлаши туфайли Президент лавозимига муваффақиятли қайта сайланганингиз билан Сизни самимий қутлашга икхозат бергайсиз. Сизнинг моҳирона раҳбарлигингизда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини давом эттиришига ишонаман.

Президент сифатида фаолиятингизнинг иккинчи муддати давомида Сиз билан яқин ҳамкорлик қилиш орқали

мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашимизга умид қиламан.

Сиз ва рафиқангиз билан жорий йил декабрь ойида Кореяда учрашишимни орзиқиб кутмоқдаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса абадий равнақ тилайман.

Мун Чжэ Ин,
Корея Республикаси Президентини



Ўзбекистон Республикаси Президентини
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Япония ҳукумати ва халқи номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига қайта сайланганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Қонун устуворлигига асосланган эркин ва очик халқаро маконни барпо этиш доирасида Япония биз учун муҳим стратегик ҳамкор бўлган Ўзбекистон билан шериклини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Япония Ўзбекистоннинг мамлакатини ривожлантириш борасидаги сай-ҳаракатларини ва Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

2019 йил декабрь ойида Японияга

амалга оширилган расмий ташрифингиз давомида эришилган барча келишувлар ва қўшма лойиҳаларни бундан буён ҳам биргаликда амалга оширишимизга умид билдираман.

Келгуси йилда дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Умид қиламани, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишларда янада ривожланади.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса бардод равнақ тилайман.

Фумио Кисида,
Япония Бош вазири

► Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИНИ ҚАТЪЙ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентни Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи

Бошланиши 1-бетда

Янги муддатта лавозимга киришётган Президент сифатида жонажон Ватанимизнинг бугунги куни ва келажаги учун бутун масъуляти ва жавобгарликни чуқур хис этган ҳолда айтмоқчиман:

Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттира- миз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда албатта бар- по этамиз!

Асосий қомусимиз кафили сифатида Конститу- ция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз ба- жариш, **“Инсон қадри учун”** деган устувор та- мойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баянлашаровоз тусунча эмас. Инсон қад- ри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фунда- ментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфра- тузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизи- ми, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушу- намиз.

Хурматли тантанали маросим иштирокчилари! Бугунги давраимизда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқро тамакотлар вакиллари ва хорижий давлатлар элчилари қатнашётгани бар- чамизга катта мамуният бағишлади.

Сўнгги йилларда юртимизда демократик ис- лохотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимиз- дан, ўйлаيمانки, сиз, ҳурматли дипломатлар ҳам хабардорсиз.

Бу соҳадаги амалий фаолиятимизнинг эътиро- фи сифатида Ўзбекистон биринчи марта Бирлаш- ган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланганини айтиб ўтиш ки- фоя.

Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари- ни ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз.

Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қар- ор топтириш — бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демо- кратик давлатлар таърибиси ҳам шундан далолат беради.

Шу муносабат билан бу соҳадаги вазифаларни амалга оширишда биз халқро ҳаммайтиш, жумла- дан, Сиз, муҳтарам дипломатик корпус вакиллари- нинг яқин ҳамкорлигига ишонамиз.

Қадрли сенатор ва депутатлар!

Эл-юртимиз биз бошлаган халқчил ислохот- ларга бугун хайрихоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ қўришни истамокда. Ана шу ҳақли талабни ино- батга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик.

Бу муҳим қонунҳалқ ҳужжатида ислохотлари- мизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъмин- лаш мақсадида **“Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”** деган тамойил асосий гоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Биз ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини энг олий қадрият этиб белгилладик.

Таъкидлаш керакики, Янги Ўзбекистон тарақ- қиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни **“инсон — жамият — давлат”** деган янги тамойил асосида ташкил этамиз.

Сайловчилар билан мулоқотлар пайтида бил- дирилган фикр-мулоҳазалар, амалий тақлиф ва ташаббуслар асосида биз Тараққиёт стратегия- мизни янада тақомиллаштириш устида иш олиб бормокдамиз ва бу жараён яна давом этади. Чун- ки, Ватанимизнинг тақдир ва келажаги билан бо- глиқ устувор масалаларни ҳал этишда кенг жамоат- чилик, ҳар қайси фуқаронинг фикри биз учун ўта муҳимдир.

Бу борада яна бир долзарб масалага эътибо- рингизни қаратмоқчиман.

Келгуси беш йил учун устувор йўналишларни белгилаб олар эканмиз, ўтган даврда эришган ютуқларимиз билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам танқидий нуктаи назардан чуқур таҳлил қилишимиз лозим. Нега деганда, ўз келажагини ўз қўли, ўз кучи билан яратишга бел боглаган халқ ва миллат кечаги кундан тўғри сабоқ чиқариб, олдинги интилиб йшайди.

Сайловолди учрашувларида мамлакатимизда- ги ҳар бир шаҳар ва тумани ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича янги режалар туздик. Ҳозирги кунда ана шу тақлифларни умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси, ви- лоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида дастурларни ишлаб чиқмоқдамиз ва уларни йиллар кесимида амалга оширамиз.

Мен бундан беш йил олдин, яъни Президент- лик фаолиятимни бошлаган илк кунларда айтган фикримни яна такрорлайман: менга сохта ва ба- ландпарвоз гапларнинг кераги йўқ. Қуруқ ва ёлгон гаплар, таги пуч қақмавлар — бу фақат ўзимизни алдаш бўлади. Бу фақат ишимизга зиён етказадик.

Биз учун умумий ишимиз ва ҳаракатимизга фойда берадиган гоя ва фикрлар, амалий тақлиф ва ташаббуслар, аниқ натижалар керак. Бундан бошқа йўлни мен мутлақо қабул қилмайман.

Хурматли дўстлар!

Барчамиз қўриб-билиб турибмиз: бугунги кунда инсоният ўз тарихидаги нҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Биз илгари кўрмаган, билма-

ган мислсиз хавф-хатар ва таҳдидларга дуч кел- моқдамиз.

Ер юзида миллионлаб одамларни ҳаётдан олиб кетган коронавирус пандемияси ва унинг оқибати- да келиб чиққан глобал иқтисодий инкироз хануз давом этмоқда. Пандемия қачон тугайди ва ундан кейинги ҳаёт қандай бўлади — буни ҳеч ким олдин- дан башорат қилолмайди.

Афсуски, пандемиянинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ. Бу хатарли касалликка қарши кураш, шундай оғир шароитда яшаш ва меҳнат қилиш биздан катта куч ва маблағ, юксак ирода ва қатъий интизомни талаб этмоқда.

Ҳар қанча ҳаракат қилишимизга қарамасдан, пандемия туфайли қўллаб юрдошларимиз, жумладан, бир қанча сенатор ва депутатлари- миз, раҳбар сафдошларимиздан жудо бўлдик. Бугун уларнинг барчасининг хотирасини яна бир бор ёд этиб, охиратлари обод бўлсин, дей- миз.

Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртаси- да қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар кучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз кураш кетмоқда. Минтақамиздаги тинчлик ва хавфсизликка нисба- тан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда.

Ўз-ўзидан равшаник, глобallaшув ва кескин рақобат замони, шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечиктириб бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда бар- чамиз тинч ва осийшша ҳаётимизни асраш, мил- лий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жипслашиб, ҳушёр ва оғоҳ бўлиб, дадил ва қатъий ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда ҳар бир хонадон ва маҳалла- да, бутун юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳаммайтишга билан дўстлик ва ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлимизни янада изчил давом эттирамиз.

Қадрли юрдошлар!

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Бу — бежиз эмас. Зеро, аждодларимиз етти раҳамани бахт-са- одат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рўёбга чиқарадиган ҳосиятли тимсол, деб билганлар.

Рухсатингиз билан, Тараққиёт стратегияси дои- расида амалга ошириладиган энг устувор вазифа- лар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, эркин фуқаролик жамиятини ри- вожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний ман- фаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўлам- ли ислохотларимиз янги поғонага кўтарилади.

Бу борада, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат”** гоясини амалга оши- ришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда му- аммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтирамиз. Бунинг учун келгусида дав- лат функцияларининг катта қисми марказдан ҳу- дудларга ўтказилади.

Жамият бошқарувининг таянч бўғини бўл- ган ислохотлар самараси бевосита ақс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқа- ртиришга масъул бўлади. Маҳалла раиси эса маъ- навий-маърифий ишларни амалга ошириш, оила ва маҳаллада соғлом муҳитни шакллантиришга жавоб беради.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар маса- лалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам бўлади.

Бундан ташқари, ҳокимликлар ва маҳаллалар- нинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақса- дида туман бюджетга қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Навбатдаги муҳим вазифамиз — марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқа- роларга хизмат қиладиган иҳчам ва самарали бошқарув тизимини яратишдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг тартиби, уларни бир-биридан фарқлаб турадиган мезонлар, таркибий тузил- ма ва штатларни белгилашга оид аниқ талаблар ишлаб чиқилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар опти- маллаштирилади.

Марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янгича ёндашувларни жорий этиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечамиз. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан мустақил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисо- бот бериш тизимини йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари том маъ- нода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифо- да этадиган тузилмага айлантириш учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратилади.

Айни вақтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этилади. Кадрлар давлат хизматига танлов асосида қабул қилинади, улар учун узлуксиз мала- ка ошириш, натижадорлиқни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Бундан буён ҳар бир ҳудуд, соҳа ва тармоқ фао- лиятига уларда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётгани- га қараб баҳо берилиди.

Шу муносабат билан **“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қили- ш керак”**, деган даъватга қўшимча қилиб айтмоқ- чиман: **“Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало,**

инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатла- рини таъминлашга хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини илдин иғнасигача билиши шарт.

Улуғ аждодларимиз айтганидек, раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юкини елкаси- га олиши керак. Агар қайсики раҳбар даврнинг бу ўткир талабини тушунмаса, уларни энди халқимиз ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам қабул қилмайди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар алоҳида муҳим ўрин тутadi.

Олий Мажлис фаолиятини янада тақомил- лаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунийлик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини де- моқратлаштириш ва уларнинг ижросини таъмин- лашга қаратилган парламен назоратини қийайти- ришга устувор аҳамият берилади.

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назо- ратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбар- лари ҳисоботини эшитиш ва унинг натижасига му- вофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар қўриш амалга оширилади.

Ривожланган демократик мамлакатлар таъри- басидан келиб чиқиб, жамият ва давлат бошқарув тизими айрим раҳбарларнинг субъектив нуктаи назарига, содда қилиб айтганда, уларнинг қош- қовонига қараб эмас, аксинча, мустахкам ҳуқуқий мезонларга эга бўлган институтлар фаолияти орқали амалга оширилиши зарур.

Бу борада олдимизда турган яна бир муҳим ма- сала — Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белги- лашга оид қонуний асосларни яратиш вақти келди, деб ўйлайман.

Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқару- вида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувват- лаш механизмиларини янада тақомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилади.

Жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокчини ку- чайтиришга доир долзарб вазифалар амалга оши- рилади.

Мамлакатимизда демократик янгилаиш жара- ёнларини янада чуқурлаштириш учун сўз ва мат- боти эркинлигини, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Албатта, бундай очиқлик ва ошкоралик шароитида ишлаш, ўз фаолиятига нисбатан бил- дирилаётган танқидий фикрларни тўғри қабул қи- лиш эскича қоллилар билан яшаётган айрим амал- дорларга ёқмаслиги ҳам мумкин. Лекин, бундан қатъи назар, биз бу йўлни давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири деб биламиз ва уни изчил давом эттирамиз.

Шу мақсадда амалдаги қонунчиликда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахс- лари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, таҳририят ҳодимларига босим ва таъйиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан гайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарлиқни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонуний фаолият юри- таётган барча журналист ва блогерлар бундан буён ҳам қонун ва Президент ҳимоясида бўлади.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлиги — халқчил давлат куриш, инсон кадр-қимматини таъ- минлашнинг энг асосий ва зарур шартидир.

Ўтган даврда Ўзбекистонда бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда одил судлов тизимининг чина- кам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тақомил- лаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйи- ча олдимизда кўпгина вазифалар турибди.

Келгусида маъмурий судлар фаолиятини халқа- ро андозалар асосида тақомиллаштириш юзаси- дан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Суд ҳусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқа- ли ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратишимиз зарур. Бу эса жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий равнақиға хизмат қиладди.

Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровон- лигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгалла- диган тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиламиз. Бу борада қонун бу- зилишини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фавқу- лодда ҳолат деб баҳолаймиз.

Шу муносабат билан ҳусусий мулк устуворлиги қонунларимизда асосий тамойил сифатида белги- ланди. Давлат идораси маъмулюмати ишонли мол- мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқи бузилмаслиги таъминланади.

Яна бир муҳим масала — сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашини давлат сиёсати да- ражасига олиб чиқдик. Шу мақсадда Сенат раи- си раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўл- ган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафар- бар этамиз.

Бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли пре- вентив чораларни қўриш зарур. Шу асосда корруп-

циянинг нафақат оқибатларини, балки сабабла- рини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва мадания- тини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қар- рорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага еткази- ш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун фуқаролар ўртасида қонунга ҳур- мат ва амал қилиш ҳиссини шакллантириш — бо- га ва мактабдан тортиб олийгоҳгача, барча таъ- лим муассасаларининг, ҳар бир оиланинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Барча номзодларнинг сайловолди учрашув- ларида электорат вакиллари томонидан бугун- ги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиси талаб этаётган яна бир муҳим тақлиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда консти- туциявий ислохотларни амалга оширишдан ибор- ат.

Агар дунё таърибасига назар ташлайдиган бўл- сак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутат- ларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституция- вий таърибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб бе- радиган Асосий қонунимизни тақомиллаштириш масаласини ҳам қўриб чиқишимиз керак.

Учинчидан, миллий иқтисодиётини, унинг ўсish суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан бири- дир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкони- ятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини яна- да оширишни мақсад қилганмиз.

Насиб этса, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, ҳусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жум- ладан, “хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер ти- зимини ривожлантираамиз.

Иқтисодиётда юқори ўсish суръатларига эри- шиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга ошири- лади.

Шунингдек, бюджет ва ташқи қарз барқарорли- гини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг им- кониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қув- ватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага теги- бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузил- ма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва ҳусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётини ислох этишнинг устувор вазифала- ридан бири бўлиб қолади.

Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурсл- лари билан қафоллати таъминланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ху- нарга ўқитиш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлан- тириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қув- ватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизимини ислох қилиниб, ижтимоий хиз- матларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгай- тирилади.

Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй- жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қўлай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз мар- казида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дас- турларимиз, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги қавртира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу — олдинги беш йилга нисбатан 10 ба- робар кўп уй-жой қурилди, дегандир.

Ана шундай ишларимиз кўламини янада ке- нгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллион- дан ортик аҳоли учун барча қўлайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” мас- сивларини бунёд этамиз. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудла- рор мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хў- жаллиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш гоят муҳим аҳамиятга

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи

Бошланиши 1-2- бетларда

Жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу тизим амалда ишлаши ва ушбу тоифадаги инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишлари зарур.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган фуқароларни кафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аниқ квоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-хўнарга ўқитиш ва турар жой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратишмоқда.

“Меҳрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оиллага яқин муҳитда, билимли ва касб-хўнарни этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтери” дорасида бошлаган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу борада олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаси сифатида бир мисол келтирмакчиман. Кейинги уч ой давомида олижаноб инсонлар томонидан ана шундай даргоҳларда тарбияланаётган ўнлаб болалар фарзандликка қабул қилинди. Шу туфайли 3 та “Меҳрибонлик уйи”, 1 та “Болалар шаҳарчаси” ўз фаолиятини тугатгани айниқса эътиборлидир.

Ўзбек халқининг юксак инсоний ғазилатларини намоён этаётган ана шундай меҳр-шафқатли, болажон ва бағрикенг юртдошларимизга, болалар уйларини оталикча олиб, эзгу ишларни амалга ошираётган саховатли тадбиркор ва зиёлиларга, Миллий гвардия ходимларига ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорчилик изхор этаман.

Хозирги вақтда хонадонларимизнинг файзу фаришаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимиз барча ислохотларимизда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳурматли оналаримиз, опа-сингилларимизга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий қисми бўлиб келаётганини сизларга яхши маълум. Шу боис хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада оши-

риш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қиламиз.

Навқирон ёшларимизни, айниқса, қизларимизни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Биз хорижий давлатларда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юртдошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, иқтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қиламиз. Хусусан, “Ватандошлар” жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилалари билан алоқалар кенгайтирилади. Ҳамюртларимизни она тилимиз, маданият ва урф-одатларимиз асосида жипслаштириш, уларнинг билим ва салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида иқтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятидир. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждоқларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга оширамиз.

Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “**жаҳолатга қарши — маърифат**” тамойили асосида унинг-усиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз.

Сизларга маълумки, Ўзбекистон — улкан имконият ва бойликларга эга мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз — турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинч-

лик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир, десам, ўйлаيمانки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётгани, фидокорона меҳнати билан жонажон Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса қувонарлидир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини янада мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида шуни алоҳида таъкидлаб айтаман: бизнинг давлат сиёсатимизда бундан буён ҳам барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва аънавларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилади.

Олтинчидан, бугунги кунда инсоният қўллаб-умумбашарий муаммоларга дуч келмоқда ва уларга ечим топиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Биз глобаллашув хар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамокдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча сазй-ҳаракатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, келажагимиз қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарурлигини аңглатади.

Юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Буни куни кеча содир бўлган қўм буронлари ҳам яна бир бор тасдиқлади. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмоқда. Шу борада биз Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётта таъбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак.

Сиёсат

Бошланиши 1-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни йўлламоқдаман.

Ушбу лавозимдаги фаолиятингизнинг иккинчи муддатида ҳам Ўзбекистон Сиз танлаган кенг қўламли ислохотлар ва жамият очкичлигини таъминлаш йўлидан боришига ҳамда демократия ва қонун устуворлиги борасида янги муваффақиятларга эришишига умид билдираман. Манфаатлар мувозанати ва яхши қўшничилик муносабатларига қаратилган ташки сиёсати туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёни барқарорлаштиришга бундан буён ҳам муҳим



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сиз Ўзбекистон Президенти юксак лавозимига қайта сайланган куннинг эртасига катта мамнуният билан самимий қутловларимни йўлламоқдаман. Ушбу лавозимдаги фаолиятингизни Франциянинг дўсти ҳисобланган ўзбек халқи манфаатлари йўлида амалга оширишда Сизга энг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Қайта сайланганингиз кейинги беш йилда Сизнинг раҳбарлигингизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошланган муҳим ислохотлар самараси янада юксалишига умид қиламан.

Ишончим комилки, 2018 йилда Францияга амалга оширган ташрифингиз туфайли ҳамкорлигимизга бағишланган суръат сақланиб қолиб, Президент лавозимидаги фаолиятингизнинг

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Арманистон Республикаси Президенти **Армен Саркисян**
Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**
Грузия Президенти **Саломе Зурабишвили**
Нидерландия Қироли **Виллем-Александр**
Австрия Республикаси Федерал Президенти **Александр Ван дер Беллен**
Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**
Греция Республикаси Президенти **Катерина Сакелларопулу**
Латвия Республикаси Президенти **Эгилтс Левитс**
Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан**
Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**
Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Бош вазири уринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**
Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**
Покистон Ислом Республикаси Президенти **Ориф Алвий**
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Абдул Ҳамид**
Қатар Давлати Амири **Тамим бин Ҳамад Ол Соний**
Қатар Давлати Амирининг уринбосари **Абдулла бин Ҳамад Ол Соний**

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни йўлламоқдаман.

Ушбу лавозимдаги фаолиятингизнинг иккинчи муддатида ҳам Ўзбекистон Сиз танлаган кенг қўламли ислохотлар ва жамият очкичлигини таъминлаш йўлидан боришига ҳамда демократия ва қонун устуворлиги борасида янги муваффақиятларга эришишига умид билдираман. Манфаатлар мувозанати ва яхши қўшничилик муносабатларига қаратилган ташки сиёсати туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёни барқарорлаштиришга бундан буён ҳам муҳим

ҳисса қўшишига ишонаман. Бу Афғонистонда кечаётган бугунги воқеалар нуктаи назаридан ҳам фавқуллодда муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, иккимизнинг 2019 йилги ўзаро ташрифларимиз натижасида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мустаҳкамланиб, сезиларли фаоллашганини ижобий баҳолайман. Германия келажақда ҳам Ўзбекистонга очкиклик йўлидаги ҳаракатида шериклик қўмагини кўрсатишга ва икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга тайёр. Сиз билан ўрта-миздаги фикр алмашинувини юксак қадрлайман ва келгусида уни давом эттиришдан мамнун бўламан.

Олдингизда турган муҳим вазифаларни бажаришда ҳамда Сиз ўзбек халқини рози қилишдек мақсадни ўз олдингизга қўйганингизни ҳисобга олиб, Сизга куч-қувват, муваффақият ва доимий омад тилайман.

Франк Вальтер-Штайнмайер,
Германия Федератив Республикаси
Федерал Президенти

иккинчи муддати икки томонлама муносабатларнинг барча — сиёсий, маданий ва иқтисодий йўналишларида янада ривожланади.

Афғонистондаги таҳликали вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатларимиз ўртасидаги хавфсизлик масалалари бўйича мулоқотни 30 август куни ўтган суҳбатимизда кузатилган ўзаро аңглашув ва ҳамкорлик руҳида давом эттириш айниқса муҳимдир.

Шунингдек, Франция ва Ўзбекистон глобал иқлим, саломатлик ва иқтисодий тараққиёт каби тобора долзарб туз олаётган масалаларга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг ўзаро мувофиқлаштирилган ечимларни ишлаб чиқишга қўмаклашиши мақсадида бу борадаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришни давом эттиришига умид қиламан.

Энг эзгу тилакларимни изхор этарканман, Сиз, Президент жанобларига бўлган юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳурмат билан,

Эммануэль Макрон,
Франция Республикаси Президенти

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири **Холид бин Халифа бин Абдулазиз Ол Соний**
Қувайт Давлати Амири **Навоф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
Қувайт Давлати Бош вазири **Сабоҳ Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**
Қувайт Давлати валиаҳди **Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
Ўғлулистон Президенти **Ухнаагийн Хурэлсух**
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Нгуен Суан Фук**
Куба Республикаси Президенти **Мигель Диас-Канель Бермудес**
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**
ЮНЕСКО бош директори **Одри Азуле**
Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби **Куньо Микурия**
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Бағдод Амреев**
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусрав Нозирий**
Парламентлараро иттифоқ бош котиби **Мартин Чунгонг**
БМТнинг Женевадаги бўлинимси директори **Татьяна Валова**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЭНГ МУҲИМ ОМИЛДИР

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссияси раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

Жорий йилнинг 24 октябрь куни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Муқобиллик асосида ва қизғин рақобат муҳитида ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев сайловчиларнинг энг кўп — 80,12 фоиз овозини олиб, ишончли ғалаба қозонди.

СОБИТҚАДАМЛИК

Сайловда конституциявий нормалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти даврийлик принципи асосида сайланди.


Бу, аввало, янги Ўзбекистоннинг умумэтироф этилган халқаро демократик сайлов тамойилларига садоқатининг, мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг амалдаги яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган адолат, очиқлик, ошқоралик ва эркинлик каби демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилди.

Сайлов — мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган дадил демократик ислохотларнинг, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар амалда рўёбга чиқаётгани ва юксак самаралар бераётганининг ёрқин далилидир.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК ВА ЮКСАК САМАРА

Моҳиятан олиб қараганда, сайлов — бир кунда ўтадиган йирик сиёсий тадбир. Лекин унга кўпчиликнинг сазй-ҳаракати билан ойлаб, ҳатто йиллаб тайёргарлик кўрилиши азалдан маълум. Чунки сайловнинг, айниқса, Президент сайловининг мамлакат қай ва олис истикболи учун белгилаб бериладиган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишдаги аҳамияти беқиёсдир.



Марказий сайлов комиссияси ва қўйи сайлов органлари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юксак демократик талаблар даражасида ўтказиш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар бажарилди. Жами 10 минг 761 та, жумладан, 37 та хорижий давлатда ташкил этилган 54 та сайлов участкаси қонунчиликда белгиланган тартибда пухта ҳозирлангани овоз бериш жараёнининг халқаро сайлов стандартларига мос ўтишида муҳим аҳамият касб этди.

Аввало, сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигини кафолатли таъминлаш учун барча шароитлар яратилди.

Бу фояда шарофли ва масъулиятли жараёнинг асосий юки сайлов комиссиялари зиммасига тушгани табиий. Барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини Сайлов кодекси талабларига биноан, қонунийлик, коллегаллик, ошқоралик ва адолат тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этди.

Бундай муваффақиятга ўз билими ва куч-ғайратини Президент сайловини юксак савияда ташкиллаштиришга сафарбар этган ўн минглаб юрдошларимизнинг меҳнати самарасида эришилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни миллий сайлов қонунчилигимиз ҳамда умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, очиқ, ошқора, юксак ташкилий даражада ўтказиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларига ҳамда вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, сайловнинг бошқа ташкилотчиларига, айниқса, оммавий ахборот воситалари вакилларига самимий миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бешта сиёсий партия ва уларнинг номзодлари ўртасида қизғин рақобат муҳитида ўтган сайлов Ўзбекистонда эркинлик ва демократия амалда мустақамланиб бораётганининг ёрқин намоишига айланди.

МУҲИМ ОМИЛ

Сайлов қонунчилиги ва амалиётининг — муттасил ривожланиб ва такомиллашиб бориши эркин демократик давлатга хос жараён. Бунда халқаро сайлов стандартлари талаблари ва халқаро ташкилотларнинг сайловларни кузатиш миссияларининг мақбул тавсиялари ҳисобга олиниши, табиий.

Демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан дадил ва ғошмай бораётган янги Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кенг ва тўла таъминлашга қаратилган муҳим ўзгаришлар амалга оширилгани Президент сайловида ўзининг юксак самараларини берди.

2019 йили қабул қилинган Сайлов кодекси Президент сайловидек ғоят масъулиятли жараёнда ilk бор синовдан ўтди.

Сайлов қонунчилигига шу йилнинг 8 февраль ва 31 май кунлари киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга биноан, аввало, сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов жараёнининг бошқариш тизими янада такомиллаштирилди.

Сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини олиб боришида тенг ва кенг имкониятлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, айни куз фасли бўлишига қарамай, 24 октябрь куни жонажон Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларида, Ўратганининг инояти билан, майин кўклар куёшининг чарақлаб тургани ҳам сайловчиларимизга бахорий кайфият, кўтаринки руҳ ва улкан ишонч бағишлади. Фуқароларнинг сайловда фаол ва эркин овоз беришига хизмат қилди.

Айни пайтда, сайловчиларнинг бу фаолли-

“

САЙЛОВНИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, ЖУМЛАДАН, ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТНИНГ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ, ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ВА МДХ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИ, ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ, ТУРКИЙ КЕНГАШ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ ҲАМДА ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ КАБИ ЙИГИРМАГА ЯҚИН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТДАН ВА ЭЛЛИККА ЯҚИН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТДАН ҚАРИЙБ МИНГ НАФАР ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИ ҲАМДА 1672 НАФАР МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ БЕВОСИТА КУЗАТИБ ВА ЁРИТИБ БОРДИ.

ги жорий йилда миллий сайлов қонунчилигимизга халқимиз билан бамаънаҳат киритилган ўзгартришларга биноан сайлов кунининг қорли-қировли ва совуқ декабрдан мўътадил октябрь ойига қўйрилиши ғоят тўғри иш бўлганининг амалдаги яна бир далилатидир. Сайлов қонунчилигига киритилган бошқа ўзгартришлар ва қўшимчалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.


Президент сайловида 16 миллиондан зиёд ёки 80,4 фоиз сайловчи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, овоз бергани — пандемия туфайли юзага келган мураккаб шароитда жажон мамлакатларида ўтказилган барча сайловлар тарихидаги ноёб ҳодисадир.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Сайловни нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий Кенгаш Парламент Ассамблеяси ҳамда Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби йигирмага яқин халқаро ташкилотдан ва элликка яқин хорижий давлатдан қарийб минг нафар халқаро кузатувчи ҳамда 1672 нафар маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бевосита кузатиб ва ёритиб борди.

Бу галги сайловнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мутлақо янгича ўтганини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини бутун дунё — беш қитъа давлатлари ўз вакиллари ва оммавий ахборот воситалари орқали катта қизиқиш билан кузатиб турганидан билса бўлади.

Халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситаларининг бундай кенг қўламли иштироки Ўзбекистонда ўтган барча сайловлар тарихидаги рекорд кўрсаткичдир!



Шунингдек, сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан қарийб 64,5 минг нафар вакил сайловни бевосита кузатиб борди.

Биринчи марта мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкасига ўрнатилган 414 та видеокамера орқали узатилган онлайн трансляцияни миллионлаб одамлар кузатиш имкониятига эга бўлди.

Айни пайтда, минглаб сайлов участкаларидан журналистлар томонидан теле ва радио, фото репортажлар, интервьюлар ва хабарлар мунтазам узатиб турилди. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар орқали бутун дунёга намоиш қилинди.

Сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлимларида сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун кенг медиа-майдон яратилди. Уларда юзлаб матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар, семинарлар, учрашувлар ўтказилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарлари, Олий суд раиси, Бош прокурор, Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлари, округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

Сайлов кампаниясига старт берилган кундан буён хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот

Айни пайтда, Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайти, “Saylov2021” портали, шу номдаги мобиль иловаси, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида сайлов мавзусида ҳар бир фуқаро ўзи истаган кодексу қонунни, қарору низоми, йўриқномаю дастурни, илмий, оммавий мақолаларни, қўлланмаю рисоаларни, ҳатто зарур телефон рақамларидан то хабарларгача осонгина топиши учун қўлай имконият яратилди.

Бунга видеодарслар, видеороликлар, инфографикалар, суратлар, теле, аудио ва кино лавҳалар, репортажлар, интервьюлар, мунозаралар, баҳсларни қўшинг. Ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида минглаб номдаги материаллар жамланган ушбу манбалардан истаган киши дунёнинг қай бир қўшасида бўлмасин ҳозир ҳам бемалол фойдаланиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида сайлов кампанияси аввалидан то унинг якунигача “1200” бепул қисқа рақамли “Ишонч телефони” (“Call center”) ишлаб турди. Телефон орқали тушган барча мурожаатларга Марказий сайлов комиссиясининг масъул ходимлари, сайлов бўйича етакчи экспертлар ва олимлардан иборат навбатчилар гуруҳи томонидан ўз вақтида малакали жавоблар қайтарилди. Тушган 1061 та мурожаатнинг бирортаси эътибордан четда қолгани йўқ.

Сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун 12,7 миллион донга тиббий ниқоб, 21,5 минг литр антисептик ва бошқа шахсий ҳимоя ҳамда дезинфекция воситалари етказиб берилди. Барча даражадаги сайлов комиссияларининг 141 мингдан ортиқ аъзоси коронавирусга қарши ўз вақтида тўла эмланди.

Президент сайлови халқимизнинг юксалиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва елкторал маданиятини яна бир бор яққол намоян этди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, сайлов ўзининг, фарзандларининг эртасини ўйлаган миллат, халқ, Ватанини севган ҳар бир садоқатли инсон учун улкан имкониятдир.


ХАЛҚ МЕҲРИ ВА ИШОНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчилар 50 фоиздан ортигининг овозини олган номзод Президент этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг энг кўп — 80,12 фоиз овозини олиб, ишончли ғалаба қозонди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Халқ ишончи ва меҳрини қозониш инсон учун энг олий саодатдир!

Шавкат Мирзиёевнинг энг олий мартаба ва ана шундай олий саодатга иккинчи маротаба расман мушарраф бўлгани — бағрикенг ва фидойи давлат раҳбарининг фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликлари, хавфсизлиги ва фаровонлиги, қонуний манфаатларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, инсон кадр-қимматини юксалтириш борасида узқоқни қўзлаб юритаётган оқилона сиёсатига халқимизнинг берган юксак баҳоси. Халқимиз демократик ислохотлар йўлини яққола ягона ва энг тўғри тараққиёт йўли сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганининг амалдаги ифодасидир.



Халқ билан доимий мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари ва дарду ташвишлари билан яшаш, қонун устуворлигини таъминлаш — “Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсати даражасига кўтарилган эркин ва овоз мамлакатдагина шундай бўлиши мумкин. Давлатида раҳбари сайловда овоз берган барча сайловчиларга чин дилдан миннатдорлик билдириб, бошқа партиялардан кўрсатилган номзодларнинг келгуси фаолиятига омад тилар экан, “биз кун кеча ўзаро рақобат қилган бўлсак, энди барча орзу-интилиш ва ҳаракатларимизни бирлаштириб, жонажон Ватанимиз раънаки йўлида фаол ҳамкорлик қиламиз”, деб алоҳида таъкидлади.

Янги Ўзбекистоннинг халқ қўллаб-қувватлаётган истиқболдаги стратегияси аниқ: **инвестициялар ҳажмини янада ошириш, янги иш ўринлари очиш, аҳоли фаровонлигини муттасил юксалтириш, барча давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.**

ҲАВАС

Президент сайловининг асосий якунлари ва аҳамиятини чуқур таҳлил қилишга киришган миллий ва халқаро экспертларнинг бир масалада яқдил экани кўзга ташланмоқда. Уларнинг



“

БУ ГАЛГИ САЙЛОВНИНГ ҲАМ МАЗМУН, ҲАМ ШАКЛ ЖИҲАТДАН МУТЛАҚО ЯНГИЧА ЎТГАННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ БУТУН ДУНЁ — БЕШ ҚИТЪА ДАВЛАТЛАРИ ЎЗ ВАКИЛЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУЗАТИБ ТУРГАНИДАН БИЛСА БЎЛАДИ. ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БУНДАЙ КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИШТИРОКИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТГАН БАРЧА САЙЛОВЛАР ТАРИХИДАГИ РЕКОРД КЎРСАТКИЧДИР!

”

фикрича, сайловнинг Ўзбекистонда мустаҳкам қарор топган тинчлик ва осойишталикда, ўзбек халқига хос бағрикенглик ва оқибатдорлик, меҳр-оқибат, садоқат, иззат-ҳурмат, сиёсий-ҳуқуқий маданият, қадимий анъаналарга мос муҳитда ўтганига ҳавас қилса арзийди.

Баъзи давлатларда бўлгани каби демократияни бошбошдоқлик, сўз эркинлигини беттақопарлик, деб тушуниш, жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ҳолатлари кузатилмади.

Президент сайлови халқимизни янада аҳиллик, юксак илму маърифат ва фаровонлик сари бошлайдиган, мамлакатнинг жадал ривожланишида муҳим омил бўладиган улкан имконият яратди.

Ўзбекистонда модернизация ва демократлаштириш жараёнлари қатъий ва ортага қайтмас характер касб этиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳалларида очиқлик ва ошқораликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани Президент сайловида яна бир бор ўз инъикосини топди.

Бугун халқчил ва демократик тамойиллар асосида яшаётган янги Ўзбекистон ўтмиш ақдоқларининг тарихий анъаналарини давом эттириб ва янада бойитиб, ҳар томонлама жадал ривожланаётган замонавий давлат сифатида бутун дунёнинг эътиборини ва ҳавасини тортаётганининг сабаби ҳам шунда.

Соғлом рақобат муҳитида ўтган Президент сайлови — кўп миллатли Ўзбекистон аҳли энг улуғ ишларга қодир буюк халқ эканининг яна бир ёрқин намоёни!

Президент сайлови, таъкидлаш жоизки, тарихи минг йилларга бориб тақалувчи ўзбек миллий давлатчилигининг, янги Ўзбекистоннинг нуфузини янада юксалтирди. Бу юксалиш мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти ва буюк келажакига хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Сайлов — ҳар бир мамлакат ва халқ учун, сайланувчи ва сайловчилар учун, сайлов ташкилотчилари учун улкан сиёсий синов. Бу ғоят масъулиятли ва мураккаб синовдан ёруғ юз билан ўтганимиз барчамизга муборак бўлсин!

Дунёдаги энг осойишта, энг барқарор ва энг жадал ривожланаётган демократик мамлакатлардан бири сифатида тан олинган янги Ўзбекистонимизга ҳеч қачон қўз тегмасин!

Халқаро ҳамжамият вакиллари: Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли ўзгармаслигини яна бир карра тасдиқлади

Хорижий мамлакатлар кенг жамоатчилиги, ижтимоий-сиёсий, академик ва ишбилармон доиралар, жумладан, Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари Ўзбекистон Президенти этиб сайланган Шавкат Мирзиёевнинг ўз лавозимига киришишига бағишлаб 6 ноябрь куни пойтахтимизда бўлиб ўтган тантанали маросимни катта қизиқиш билан кутиб олди ва олқишлади. Уларнинг фикрича, амалдаги давлат раҳбарининг олий даражадаги лавозимга қайта сайлангани Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёни халқ томонидан қўллаб-қувватланаётганидан, ҳар бир соҳада кузатилаётган ижобий ўзгаришлардан, республикаимизнинг глобал масалаларга доир муҳим ташаббуслари халқаро миқёсда муносиб эътироф этилаётганидан далолатдир. “Дунё” ахборот агентлиги хорижий давлатлар вакилларининг фикр-мулоҳазаларини тақдим этади.

Маниш Прабхат, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларнинг инаугурация маросимида иштирок этиш мен учун катта шараф бўлди. Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модиге Шавкат Мирзиёевни Президент сайловидаги ғалабаси билан табриклаб, Ўзбекистонда демократик жараёнлар мустақамланаётганини алоҳида таъкидлади. Президент сайлови тинч, эркин ва адолатли ўтказилгани ушбу фикрни ишончли тарзда ифодалади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари, сайлов сиёсати ва бошқа соҳаларда tub ислохотлар амалга оширилди. Бу мамлакатни жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларида юқори натижаларга эришишига асос бўлди. Ўзбекистон бизнес юритиш учун яратилган қулайлик кўрсаткичи бўйича юқори ўринларга кўтарилди. Мамлакатнинг ўсиб бораётган иқтисодиёти ва ташқи савдоси уни хорижий инвестицияларни ўзига жалб қиладиган жозибадор ҳудудга айлантирди. Сиёсий фаоллик ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Ўзбекистон раҳбариятининг ортага қайтмас демократик тартибга эришиш йўлидаги қатъияти, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев эмолан қилган Янги Ўзбекистон стратегиясида намоён бўлмоқда. Бу ислохотлар бутун дунёда эътироф этилмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчилиги роли, унинг яхши қўшничилиги сиёсати мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги



мавқеини янада оширди. Ўзбекистонни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани республикаимизнинг глобал муаммоларни ҳал этишга қўшаётган муносиб ҳиссаси халқаро майдонда тан олинаётганини намоён этди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон стратегик ҳамкорлар ҳисобланади. Сўнгги беш йил мобайнида Бош вазир Нарендра Модиге Президент Шавкат Мирзиёев ўртасидаги яқин алоқалар ва ўзаро ташрифлар ҳамкорлигини ҳар қачонгидан ҳам кенгайтириш имконини берди. Минтақавий ва халқаро кун тартибидagi барча муҳим масалалар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Томонлар ўзаро савдо-сотиқ ҳажминини 1 миллиард АҚШ долларга етказишга эришиш, инвестицияларни кўпайтириш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Мудофаа соҳасидаги алоқаларимиз, айниқса, терроризмга қарши курашга қаратилган қўшма машқлар орқали мустақамланмоқда. Мамлакатларимиз Ҳиндистон — Марказий Осиё мулоқотининг ташаббускорлари сифатида бутун минтақа манфаати йўлида муҳим қадамлар ташлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи ваколат муддати мобайнида Ҳиндистон ва Ўзбекистон ана шу муштарак мақсадларга эришиш йўлида биргаликда ҳаракат қилишда давом этишига ишонаман.

Олег Мальгинов, Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Аввало, Ўзбекистон Президентининг нутқи келажакка йўналтирилгани, мамлакатни ривожлантириш стратегиясининг амалий дастури бўлганига эътиборни қаратмоқчиман. Биз ушбу дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бу замонвий ривожланаётган, барқарор ва бой давлат стратегияси бўлиб, унда, ҳамма нарса инсон манфаатига қаратилган.

Ўзбекистон билан муносабатларда сўнгги беш йилда эришилган натижаларни улкан ютуқ деб биламиз. Биз Ўзбекистон Президентининг Россияга ташрифини интиқлик билан кутмоқдамиз. Бўлажак ташриф доирасида муҳим музокаралар режалаштирилган ва ушбу воқеа тарихий аҳамиятга эга бўлишига ишонаман. Чунки давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончга асосланган, очик ва самимий муносабатлар, қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам муҳити шаклланган. Ушбу сермазмун алоқалар аниқ ҳужжатлар ва келишувларда яна бир бор ўз ифодасини топади.



Гусейн Гулиев, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Ўзбекистон Президентининг нутқи дастурий мазмун-моҳият касб этди. Унда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларига тўхталиб, янги ғоялар, инновациялар ва янгиликлар тақдир этилди. Давлат раҳбари фақат халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиб, олға интилишга бел боғлаганини таъкидлади. Энг муҳими, халқ ўз Президентига ишонади ва қўллаб-қувватламоқда. Икки томонлама муносабатларимиз ҳақида фикр юрита туриб, улар стратегик шериклик асосида ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этаман. Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган ҳар бир сазй-ҳаракат юрт ободлиги ва халқ фаровонлигига етаклаётгани барчамизни қувонтиради.



Тило Клиннер, Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Президент нутқидан кейин Ўзбекистон фуқароларининг манфаатлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириш давлат сиёсатининг диққат марказида бўлади, деган хулосага келдим. Иқтисодиётни ва умуман, жамиятни эркинлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади — бу, тўғри йўналишдаги муҳим қадамдир. Президент Шавкат Мирзиёев ўз сўзида Германия Ўзбекистоннинг жуда муҳим ҳамкори эканини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, биз жуда яқин ҳамкорлик алоқаларига эгамиз ва

уларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги юқори мартабали делегациясининг яқин кунларда Германияга ташрифи кутилмоқда. Ташриф давомида энергетика, тиббиёт, логистика ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда.



Ўзбекистон “GSP+” бенефициар мамлакатни мақомини олди. Бу эса Ўзбекистон маҳсулотларини бозорларимизга божхона тўловларисиз етказиб бериш имкониятини тақдим этди. Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини Европага экспорт қилиш бўйича биргаликда иш олиб бораемиз. Биз Ўзбекистон Президентининг Германия билан ҳамкорлиги муҳимлиги ҳақидаги сўзларини мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш бўйича вазифа сифатида қабул қиламиз.

Абдулхажбоб Раҳмонзода, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Ўзбекистон Президенти этиб сайланган Шавкат Мирзиёевнинг бугунги нутқини истиқболдаги сазй-ҳаракатлар дастури деб аташ мумкин. Айниқса, давлат раҳбари томонидан тақдим этилган етти бўлимдан иборат стратегия янги Ўзбекистон келажаги учун муҳим аҳамият касб этади. Инаугурация юқори даражада ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев нутқи мазмун-моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ бўлишига ишонамиз.



Ўзбекистон дунёнинг барча мамлакатлари, жумладан, Тожикистон билан ҳам самарали ҳамкорликни давом эттирмоқда. Мухтарам Президент Шавкат Мирзиёевга муваффақиятлар, фаровонлик ва, энг муҳими, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламан.

Мухаммад Таршахоний, Фаластиннинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Ўзбекистон халқини Президент сайловининг муваффақиятли ўтгани, шунингдек, давлат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

ОРЗУ ҚИЛДИ, ЎҚИДИ, ИНТИЛДИ ВА ЭРИШДИ БУ ХИСЛАТЛАР БУГҲН “TESLA” КОМПАНИЯСИДА ИШЛАЁТГАН ЎЗБЕК ҚИЗИ — МУШТАРИЙГА ХОС

Ўзбекистон номини дунёга таратаётган, шуҳратига шуҳрат қўшаётган ёшлар кўп. Улар орасида спорт, санъат, фан, технология, қўйингки, барча соҳанинг етакчи мутахассислари бор. Ана шундай ёшлардан — навоийлик Муштарий Шарипова дунёнинг етакчи компанияларидан бири “Tesla”га ишга кириши ортидан тилга тушди. Унга ҳавас қилган ота-оналар кўпайди, изидан боришга интилган ёшлар сони ошди. Йирик халқаро компанияда ўз йўлини топшга интилаётган ўзбек қизи кўплаб тенгдошларининг ҳаётида tub бўрилиш ясади. Демак, ҳаракат қилса бўлади.

Мамлакатимизда ёшларга қаратилган юксак эътибор туфайли бугун, ўқийман, ҳунар ўрганаман, деб ўз олдига катта мақсад қўяётган ёшлар кўпайди. Уларга яратилаётган шароитлар, берилаётган имкониятлар аста-секин ўз самарасини кўрсатмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг хориждаги фарзандлари ҳам бу эътибордан бебаҳра эмас. Улар ҳукуматимиз, шаҳсан давлатимиз раҳбари томонидан доимий қўллаб-қувватланмоқда. Навоий шаҳрида яшовчи эшик-дараза устаси Ихтиёр ака ва уй бекаси Шахло опа ҳаётида 1993 йил энг қувончли бўлди. Шу йили уларнинг хонадонида илк фарзанд — Муштарий дунёга келди. Шахло опанинг эслашича, қизи барча болалар каби ўсди, улғайди. Муштарийга ҳам, ундан сўнг бирин-кетин туғилган икки укаси ва синглисига ҳам зўр шaroит ёки имконият яратиб беришга на Ихтиёр аканинг, на Шахло опанинг қурби етган. Ота-она сифатида улар фарзандларининг таълим-тарбиясига жиддий ёндашди, шу билан бирга, уларнинг ўзига бўлган ишончини оширди. Тенгдошлари орасида босиқлиги билан ажралиб турадиган Муштарийнинг орзулари

ҳеч кимникига ўхшамасди. У олдига ҳамиша катта-катта мақсадлар қўяр, уларга эришиш учун тинмай ҳаракат қиларди. Бу мақсадлар, бирор фандан беш олиш ёки ҳамманикидан чиройли кўйлак кийиш каби жўн эмасди. Дастлаб космонавт бўлиш истагида юрган Муштарий юқори синфга ўтгач, дипломат бўлишга аҳд қилди. Фанларни, инглиз ва рус тилларини пухта ўзлаштирди. 9-синфни битиргач, Навоий шаҳридаги 1-академик лицейга юқори балл билан қабул қилинди. Лицейдан сўнг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ҳужжат топширди. Афсуски, омади чопмай, имтиҳондан йиқилди. Бу, табиийки, Муштарий учун оғир эди. Инглиз тили устози Элеонора Рўзиева шогирдининг тушқунлиққа тушганини кўриб, унга инглиз тилидан даража олишни маслаҳат берди. IELTS бали билан Муштарий кейинги йил Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожланти-

ҳеч бир университетда ўқий олмайди. Бу тартиб мени машаққатлардан кўрқмасликка ўргатди. Университетда 3-семестрдан бошлаб талабалар мажбурий амалиётга жалб этилади. Бу даврда талаба турли компания ва фирмаларда ўзининг назарий билимини амалиётга татбиқ этиши керак. Амалиёт муддати 6 ой. Агар талаба амалиётни тугатмаса, кейинги семестрга ўтказилмайди. Яна бир муҳим жиҳати, у ерда талабалар ҳафтасига 20 соатгача ишлаши мумкин. Мен 2015-2019 йиллар давомида университет таҳсилини олган бўлсам, айнан амалиёт ўташ мақсадида дунёга таниқли йирик компанияларда ўзимни сынаб кўриш имконига эга бўлдим. Масалан, 2017 йил сентябрдан 2018 йил март ойигача “Adidas” компаниясида амалиёт ўтадим. Кейинги йилларда “Zalando”да ишладим. SAP компаниясида 2-амалиётни якунладим. Айнан шу даврда битирув-малакавий ишимни ёзиб тугатдим.



дим. Суҳбатлар кўнгилдагидек кечди, деб ўйласам ҳам фирмалардан рад жавоби келаверди. Менинг энг катта мақсадим йирик компаниялардан бири — “Tesla”да ишлаш эди. LinkedIn саҳифамни доим фаол юритар, фаолиятим билан боғлиқ жараёнларни, ютуқларимни, шунингдек, аввалги ишлаган компанияларимдаги менежерлар билдирган фикрларини саҳифамга жойлаб борардим. “Tesla”га бир-икки уринишларимдан сўнг бир олмон дугонам “Эхтимол, немис тилини пухта билмаганим учун мактубларингга ижобий жавоб келмаётгандир. Яхшиси, бу ниятингдан воз кечиб, бошқа фирмага ҳаракат қил”, деди. Унинг тўғри маънода айтган гапидан бироз жаҳлим чиқди. Дугонанимнинг шу гапи туфайли мен ўз устимда янада кўпроқ ишладим, ўзимга бўлган талабни оширдим.

“МЕН 2015-2019 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА УНИВЕРСИТЕТ ТАҲСИЛИНИ ОЛГАН БЎЛСАМ, АЙНАН АМАЛИЁТ ЎТАШ МАҚСАДИДА ДУНЁГА ТАНИҚЛИ ЙИРИК КОМПАНИЯЛАРДА ЎЗИМНИ СИНАБ КЎРИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИМ. МАСАЛАН, 2017 ЙИЛ СЕНТЯБРДАН 2018 ЙИЛ МАРТ ОЙИГАЧА “ADIDAS” КОМПАНИЯСИДА АМАЛИЁТ ЎТАДИМ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА “ZALANDO”ДА ИШЛАДИМ, SAP КОМПАНИЯСИДА 2-АМАЛИЁТНИ ЯКУНЛАДИМ. АЙНАН ШУ ДАВРДА БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИМНИ ЁЗИБ ТУГАТДИМ.

риш институтда ўқини бошлади. Бу ерда бир йил таълим олгач, имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, ўқишни Германиядаги Европа амалий фанлар университетига давом эттирди. — Европа давлатларининг таълим тизими Ўзбекистонникидан фарқ қилади, — дейди Муштарий. — У ерда ўқишга кириш осон, лекин таълим олиш жараёни мураккаб. Масалан, Германияда имтиҳонлардан 3 марта йиқилган талаба ўқишдан четлатилади ва мамлакатдаги

2020 йил февралдан 2021 йил январгача, эса, “American Publishing Company”да фаолият юритдим. 5-6-семестрларда талаба ўз йўналишини белгилаб олиши керак. Мен молия йўналишини танладим. Шу билан бирга, ахборот технологиялари соҳасини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдим ва бу менга кейинчалик жуда асқотди. Университетни битиргач, ишлаш учун турли компания ва фирмаларга мурожаат қила бошла-

раҳбарининг беш йиллик муддатга лавозимга киришгани билан қўтлайман. Бугун биз мамлакатингиз ва ўзбек халқи ҳаётида рўй берган чинакам тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар курсининг ўзгармаслигини тасдиқлаган нутқини катта эътибор билан тингладим. Унда давлатнинг иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, хавфсизлигини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, ташқи сиёсат ва бошқа муҳим йўналишлардаги тараққиёти истиқболлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Президентига ўз Ватани ва халқи манфаатлари йўлидаги фаолиятида муваффақиятлар тилайман.



Даниэл Кристиан Чобан, Руминиянинг Ўзбекистондаги элчиси:
— Ушбу тантанали маросимда иштирок этганимдан жуда хурсандман. Ўзбекистон Президенти билан суҳбатлашши имконига эга бўлиш мен учун катта шараф бўлди. Уни ушбу юксак лавозимга қайта сайлангани муносабати билан табриклашдан мамнунман. Руминия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар нафақат сиёсат ва иқтисодиёт соҳасида, балки маданий-гуманитар йўналишда ҳам мустаҳкамланиб, кенгайиб боришига ишонч билдираман. Ўзбекистон Президентига амалдаги мандат доирасида улкан муваффақиятлар тилайман. Руминияда давлатингиз раҳбари раҳамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар юксак қадрланади. Кенг қўламли ислохотлар жараёни изчил давом эттирилиши ва улар сермаҳсул бўлишига ишончимиз комил. Руминиянинг Марказий Осиёдаги устувор ҳамкорларидан бири бўлган Ўзбекистондаги янгилиниш жараёнини қўллаб-қувватлашга тайёремиз. Руминиянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мамлакатларимиз ўртасида сармоявий алмашувни фаоллаштириш учун бор куч-ғайратимни ишга соламан.



“Дунё” АА

ФАХРИЯ

ЙЎЛБОШЧИ

Раҳнамосин танлаган эл бундан буён хор бўлмас,
Кўзларига икки дунё қафасдайин тор бўлмас.
Огоҳ бўлди бутун олам, огоҳ бўлди бутун халқ,
Эй қалб, сен ҳам шу халқ билан гурурлангин, шодлан, балқ.
Кўксим тўла бўғзимгача боболарнинг армони —
Замон бўлди, эй ёронлар, эврилишлар замони.

Эй мамлакат, эй мамлакат, эй мамлакат, эй миллат,
Кўрганмисан ҳеч бир замон бундай қудрат ва шиддат.
Эй, ота юрт, она Ватан, бу юлдузли онларинг —
Олам аҳлин қаратолган шавкатларинг, шонларинг.
Ўзбек номи чулғаб олди бир фаслда дунёни,
Замон бўлди, эй ёронлар, шаъну шавкат замони.

Минг-минг қузатувчи келмиш ҳар иқлим, ҳар томондан,
Бир Русиядан бўлса, яна бири Олмондан.
Ҳайрон бўлма Юра дўстим, ҳайрон бўлма сен ҳам Ганс:
Бу — Учинчи Ренессансдир, бу — Учинчи Ренессанс.
Кезинг, кўринг янги кўрку янги нашъу намони,
Замон бўлди, эй ёронлар, бу Уйғониш замони.

Миллий бог бу, яъни ўзбек миллатининг боғидир,
Адабиёт шу миллатнинг уйғоқ юрак-бағридир.
Беҳбудий ҳам ҳозиргина дарсдан туриб келгандай,
Давраларга гўё ҳозир Чўлпон кириб келгандай.
Бор эдими шу пайтгача “Адиблар хиёбони”?
Замон бўлди, эй ёронлар, Адабиёт замони.

Марказий бу Осиёнинг алпларин бедор этиб,
Қанча халқу эл-улуснинг қалбларин бедор этиб.
Қондош, жондош элатларнинг низосин тўхматолган,
Кўнғилларга меҳру шафқат ҳам умид уйғотолган.
Бағри кенгу меҳр тўла уйлари ҳам айвони,
Замон бўлди, эй ёронлар, меҳру шафқат замони.

Бешикдаги болангача толеи белгиланган,
Ўйларинг ҳам фикру онгинг бутунлай янгиланган.
Қизларингнинг ёноқлари нақш олмадай қирмизий,
Ҳар боланг бир Бухорийдир, ҳар ўелинг бир Термизий.
Сенга бўлсин боболарнинг маърифати, ирфони,
Замон бўлди, эй ёронлар, илму ҳикмат замони.

Опамдирсан, синглимдирсан, ёримдирсан, қизимсан,
Сен Тўмарис момолардан менинг қолар изимсан.
Элу юртда равнақ бўлсин, турмуш бўлсин фаровон,
Юрт эгаси омон бўлсин, дуо айланг онажсон.
Дуо толе калитидир — элнинг балогардони,
Замон бўлди, эй ёронлар, қадрдонлар замони.

Янги Ўзбекистон бугун уйғоқ Ўзбекистондир,
Олам узра янгроқ номи порлоқ Ўзбекистондир.
Бул Ватаннинг Меъморидир — бедорларнинг бедори,
Бедорларнинг бедоридир — бул Ватаннинг Меъмори.
Дунё тургунча турсин то яшнаб давру даврони,
Замон бўлди, эй ёронлар, боғу бўстон замони.
Замон бўлди, эй ёронлар, Ўзбекистон замони.

Сирождин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири



МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ФАРЗАНД УЧУН ЭНГ ҚИММАТ МЕРОС — гузал тарбия



Музаффар КОМИЛОВ,
Дин ишлари бўйича қўмита
раисининг биринчи ўринбосари,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ректори

Ота-она борки, фарзандининг
тинч ва осуда Ватанда соғлом
ўсиб-ўлғайиши, замонавий илм-
фан ва касб-хунарларни эгаллаб,
олиасига, юртига таянч бўлишини
истайди. Мамлакатимиз
таълим-тарбия тизимидаги туб
ислохотлар эса ҳар бир оилага,
ота-онага эртанги ёруғ кун учун
катта ишонч бераётгани ҳақиқат.

Маълумки, 2021 йил юртимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланди. Мазкур рамзий йил номига мос равишда қабул қилинган Давлат дастури асосида бажарилган ишлар моҳиятига чуқур аҳамият қаратилса, ҳар қандай иқтисодий ривожланиш асосида, энг аввало, ёшлар камолоти устувор аҳамият касб этиши намёнён бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “**Ҳар қандай жамият тараққиётида ҳал қилувчи ролни ушбу жамиятнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ривожланиши ўйнайди. Шунинг учун ислохотларимизни кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш масалаларида биз замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ғайратли, ташаббускор, ҳар томонлама ривожланган ёшларимизни ўзимизга таянч деб биламиз**”.

Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг келажақда рақобатбардош кадрлар бўлиб шаклланиши, аввало, уларнинг ёшлигида олган одоб-ахлоқи ҳамда илму маърифатига боғлиқ. “Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”, дейди донишмандлар. Шу боис, ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб ўлғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун юртимизда бор куч ва имкониятлар ишга солинимоқда.

Хабарингиз бор, шу ҳафта бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2022 йил учун солиқ тушумлари ҳамда бюджет параметрлари юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамлар ҳаётини яхшилаш асосий мақсад этиб белгилангани ва бу ташйишлар бюджетни шакллантиришда асосий мезон бўлиши зарурлиги таъкидланди. Шунга мувофиқ, Президентимиз келгуси йилга мўлжалланган давлат бюджетни лойиҳасида ҳам аввало, ижтимоий йўналишларга катта эътибор қаратиб, таълим ва тиббиёт тизимида кўзда тутилган 58 триллион сўм маблағга қўшимча тарзда яна 12 триллион сўм ажратиш тақлифини билдирди. Зотан, ёш авлод таълим-тарбияси ва сиҳат-саломатлигига устувор аҳамият қаратилиши бугун халқимиз интилаётган Учинчи Ренессанс — янги Уйғониш даврига қўйилажак пий-деворнинг мустаҳкам бўлиши гаровидир. Табиийки, юқорида қайд этилган маблағларнинг барча таълим

бўғинларини, хусусан, олий таълимни ривожлантиришдаги ўрни аниқ ҳисоб-китоблар асосида белгилаб берилди.

Ўзбекистон раҳбари ёшлар истиқболи учун ажратилган сармоя келажақ учун қўйилган энг самарали сармоя, таълим даражаси ва сифати эса, ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини бот-бот таъкидлаб келмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим замон талаблари асосида қайта жорий этилди. Худудларда янги олий таълим муассасалари, илмий-диний ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртки ва кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги икки йил ичида ривожланган давлатларнинг 20 га яқин нуфузли университетлари филиаллари очилди. Бу бугун улуг оро-мақсадлар билан вояга етаётган ўғил-қизларимизга рағбат бериб, келгусида ўз танлаган касби бўйича етук мутахассис бўлишига ишонч уйғотмоқда.

Шунингдек, фарзандларимизнинг ёшлиқдан билим, касб-хунар эгаллаши ҳамда истеъдодларини тўлиқ намёнён этиши учун 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилгани Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, қисқа вақтда мамлакат бўйлаб кенг қўлоқ ёзгани бежиз эмас. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, ҳисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча қучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлиши шубҳасиз. Шу боис, Ўзбекистонда жамиятнинг фаол қатлами бўлган ёшларга ўзини “ривожланган” ҳисоблаган айрим давлатлар сингари “муаммо” деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч сифатида қарамоқда. Натжидада бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб борапти.

Муҳими, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан нафақат мамлакатимиз, балки, бутун дунё ҳам-жамияти эътибори ҳам ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти ва ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилиб, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш тақлифи илгари сурилгани катта аҳамиятга эга. Ушбу тақлиф халқаро ҳамжамият томонидан ҳам илқ қарши олинди. Зотан, бугун дунё миқёсида ёшлар сони икки миллиарддан ортиқ бўлгани ҳолда, ахборот хуружлари, “оммавий маданият”, халқаро терроризм ва экстремизм каби чегарасиз таҳдидлар шиддат билан ўсиб бораётгани мурғак ва беғубор қалбларни ишончли ҳимоя қилиш заруратини юзага келтираётгани очик ҳақиқат. Афсусларлиси, ушбу таҳдидларнинг пайдо бўлишида айрим гаразли мақсаддаги кучлар дин ва давлатни бир-бирига муҳолифат сифатида кўрсатишга, айниқса, муқаддас ислом дини асосларини бузиб талқин этишга ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, Қуръони карим оятларининг илк сўзи “Иқро” (яъни, ўқи) буйруғи билан нозил бўлган. Шунинг ўзиёқ муқаддас динимизда илм-маърифатга қанчалик эътибор қаратилганидан далолат эмасми?! Чунки динимиз илм-маърифат дини бўлиб, унда жаҳолат ва илмсизлик ҳамиша қораланган. Дунёнинг ободлиги, бардавонлиги ва бахт-саодати, албатта, илм ва маърифат билан чамбарчас боғлиқ. Ҳазрати Али розияллоху анху “Илм молдан яхшидир, у сени ҳимоя қилади, молни эса сен қўриқлашга мажбурсан, илм ҳоқим, мол маҳкумдир, сарфлаш, нафақа қилиш билан мол қамайса, илмни тарқатганинг сайин кўпайиб боради”, деган.

Имом Бухорий ривоят қилган Ҳадиси шарифда: “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”, дейилади. Фарзанд таълим-тарбияси хусусида Имом Ғаззолий ўзининг “Ихёу улумуд дин” асарига “Бола — ота-она қўлидаги омонат. Унинг қалби турли нақш ва расмлардан холи. Қандай нақш солинса, қабул қилади... Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, саодатли бўлади. Ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берган устозлар унинг саовига шерик бўлади...” деб ёзади.

Дарҳақиқат, бугун дунё инсон нигоҳида ҳалқаланган кўзёшдек қалқиб турган бир пайтда ёшларни чағитувчи, уларни ўз домига тортишни истовчи турли гаразли кучлар кўпайиб борапти. Энг ачинарлиси, дунёнинг қайси бурчагида бирор жиноят содир этилса, албатта, бунда ёшларнинг гўрлиги, оқ-қорани ҳали тўлиқ ажрата олмастлигидан фойдаланиланти.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилада фарзанд тарбиясига эътиборсизлик нафақат уша хонадон, балки бутун бир миллат, халқ маънавий таназзулига асос бўлиши мумкин экан. Бунга тарихда мисоллар кўп. Бугун дунёда инсон капитали учун кураш, энг катта сармоя фарзанднинг билимли бўлишига, тарбиясига тикилаётган бир вақтда, минг афсуски, айрим оилаларда фарзанд тарбиясига эътиборсизлик ҳолати ҳам йўқ эмас. Шу боис, Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг “**Ҳеч бир ота-она фарзандига гузал тарбиядан кўра, қимматлироқ мерос қолдира олмайд**”, деган ҳикматларини унутмаслигимиз лозим.

Шу маънода, 2020 йилдан умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастуридан “Тарбия” фанининг ўрин олгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббус асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида ташкил этилган муаллифлар ва экспертлар гуруҳи иштирокида яратилган янги фан дарсликлари ўқувчиларнинг ёши ва психобиологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур синдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши назарда тутилган. “Тарбия” фани дастури миллий тарбиямиз ўзаги ва Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожи, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат каби улуг мутафаккирларимизнинг маънавий-илмий меросига асосланган. Айни вақтда халқаро тажрибалар асосида замонавий тарбия технологияларидан фойдаланилгани янги фанининг замон билан ҳамнафаслигига хизмат қилмоқда.

Тан олиб айтиш жоизки, яқин-яқингача умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар тарбиясига уларнинг таълимдан бўш вақтида амалга ошириладиган қўшимча юклама — иккинчи даражали иш сифатида қараш тенденцияси кучаяётгандек эди. Бунинг оқибатида тарбия узук-юпук жараёнга айланиб, ота-она ва ўқитувчи ўртасида муаллақ туриб қолди. Минг афсуски, ушбу жараённинг асорати бугун турли гаразли кучлар алдовига ўчиб, нотўғри йўл ва ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшлар тақдирида қора доғ қолдирмоқда.

Биз буюқ тарих, буюқ давлат, буюқ
маданият яратган, дунё тамаддуни
ривожига улкан ҳисса қўшган,
дошинамд халқ фарзандларимиз.
Бунинг асоси эса илм-маърифат,
бағрикенглик ва ўзликини англаш
аждодаларимизнинг доимий
интилиши, мақсад-муддаоси
бўлганлиқдир. Зотан, IX—XII
асрларда минтақамизда юз берган
Биринчи Шарқ Уйғониш даврида
ҳам, бутун дунёда Темириўл даври
Ренессанси дея эътироф этилган
XIV—XVI асрлардаги Иккинчи Шарқ
Уйғониш даврида ҳам жамиятда
дину диёнат мустаҳкам, инсонлар
дунёқарашида маънавият қадри,
давлатчилик таъъинида илм-фан ва
маърифат устувор бўлган.

Бир сўз билан айтганда, азалдан халқимизнинг илму фан, ижоду меҳнатга рағбати баянлаб бўлиб, ўзини юксак маънавияти, имон-эътиқоди, миллий ғурури ҳамда умуминсоний қадриятларга йўғрилган гузал одоб-ахлоқи билан ҳамиша ибрат бўлган. Шундай экан, беғубор ва муҳташам орзу-умидли ёшларимиз яратилаётган шароит ва имкониятлардан ўз вақтида оқилона фойдаланиб, Ватанимиз равнақи, халқимиз юксалишига ҳисса қўшадиган фарзандлар бўлишига ишонамиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририятда компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3595.

76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улугбек Асроров
Мусахҳас: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 23:20 Топширилди — 00:45